

Men o'qishga yayov borib kelsam va berilgan pulni sadaqa qilsam

21:33 / 27.04.2016 3320

Men ўзим пул топмайман. Лекин онам менга йўл кира учун деб пул берадилар. Мен ўқишга яёв бориб келсам ва берилган пулни садақа қилсам, бундан менга ҳам савоб борми?

ЖАВОБ -Албатта онангиз сизга йўл кира қил деб пулни йўл кирадан бошқа нарсага сарфламагин деб тайинлаган бўлсалар ҳаққингиз йўқ. Лекин мана ўзинг ишлат йўл кира қил деб умумий тарзда берсалар, онангизни қўлидан сизнинг қўлингизга ўтганда пул сизнинг мулкингизга айланади. Ана уни ўзингиз тежаш оқибатидами ёки ҳозиргига ўхшаш йўл кирага ишлатмасдан борадиган жойга яёв бориб, кейин буни тежаб қолиб ҳоҳлаган нарсангизни қилсангиз бўлади. Жумладан садақа қилсангиз ҳам ва унга савоб иншооллоҳ берилади.